

ТАРИХИЙ ВА ЦИВИЛИЗАЦИЯВИЙ МУШТАРАКЛИК, ХАЛҚЛАРИМИЗ ВА МАМЛАКАТЛАРИМИЗНИНГ УМУМИЙ МАНФААТЛАРИ

ФАРОВОН КЕЛАЖАКНИ БУНЁД ЭТИШДА МУСТАҲКАМ ЗАМИН ЯРАТАДИ



Мавлоно Жалолиддин Румий “Бир-бирини тушуниш — бир хил тилда сўзлашиш эмас. Бир-бирини тушуниш — бир хил туйғуни ҳис этишдир” деб ёзган эди.

16 июль куни Тошкент ана шундай кўринмас, аммо инсоният тараққиёти учун нихоятда зарур бўлган ришталарни мустаҳкамлашга қаратилган тарихий анжуманга мезбонлик қилди.

Зеро, айти шу кунлари бош кентимиз йирик дипломатия ва сиёсий мулоқот марказига айланди. Қарийб

элликка яқин мамлакатлар делегациялари вакиллари Ўзбекистон пойтахтида Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан ўтказилган “Марказий ва Жанубий Осиё: минтақавий боғлиқлик. Таҳдидлар ва имкониятлар” мавзuidaги халқаро конференцияга йиғилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати суратлари.



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ «МАРКАЗИЙ ВА ЖАНУБИЙ ОСИЁ: МИНТАҚАВИЙ БОҒЛИҚЛИК. ТАҲДИДЛАР ВА ИМКОНИЯТЛАР» МАВЗУСИДАГИ ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯДАГИ НУТҚИ

Ҳурматли делегациялар раҳбарлари! Хонимлар ва жаноблар! Қадрли меҳмонлар! Авваламбор, “Марказий ва Жанубий Осиё: минтақавий ўзаро боғлиқлик. Таҳдидлар ва имкониятлар” халқаро конференциясининг барча иштирокчиларини чин қалбимдан самимий қутлайман.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби Антониу Гутерриш жанобларига Форумни қўллаб-қувватлаганлари учун алоҳида раҳмат айтмоқчиман.

Бугунги даврамизда Афғонистон Ислом Республикаси Президенти Ашраф Ғани Жаноби Олийларини ҳамда Покистон Ислом Республикаси Бош вазири Имрон Хон Жаноби Олийларини кўриб турганимдан хурсандман ва уларга чуқур миннатдорлик изҳор этаман.

Фурсатдан фойдаланиб, анжуманимизда бевоқифа қатнашаётган, асосий ҳамкор давлатларнинг ташқи ишлар вазирлари ва юқори мартабали вакиллари, нуфузли халқаро ва минтақавий ташкилотлар, жаҳоннинг етакчи молия институтлари раҳбарлари ҳам ташақкур билдираман.

Мураккаб пандемия шароитига қарамадсан, сиз, азиятларнинг Форумимиздаги иштирокингиз икки томонлама ва минтақавий ҳамкорлиқни ривожлантиришга бўлган юксак эътибор ҳамда қатъий интилишингизни яққол тасдиқлайди.

Саховатли ва серкуёш Ўзбекистон заминига хуш келибсиз!

Ҳурматли анжуман иштирокчилари! Буюк Ипак йўли чорраҳасида жойлашган Марказий ва Жанубий Осиё узок асрлар давомида халқлар ва цивилизациялар ўртасида фаол мулоқотга хизмат қилди.

Икки минтақанинг ўзаро яқин ҳамкорлиги натижасида янги билим ва фалсафий қарашлар, тиббиёт ва астрономия, жуғрофия ва математика, геодезия ва меъморчилик, дипломатия санъати ва давлат бошқаруви соҳасидаги ютуқлар, юксак маданий ва маънавий-маърифий қадриятлар кенг ёйилди.

Минтақаларимиз халқлари бир неча бор умумий давлатчилик тузилмалари таркибиди, шу билан бирга, сиёсий, иқтисодий ва гуманитар маконда ўзаро ҳамжиҳатликда умр кечирганлар.

Ушбу ҳаудда вужудга келган Хараппа цивилизацияси, Юнон-Бақтрия ва Кушон подшоҳлиги, Турк хоқонлиги, Хуросон ва Мовароуннахр, Ғазнавийлар, Темурийлар, Бобурийлар ва бошқа давлатлар инсоният тарихида чуқур из қолдирган.

Марказий ва Жанубий Осиё азалдан ишончли савдо йўллари билан боғланиб, Яқин Шарқ, Европа ва Хитой мамлакатлари учун ўзига хос кўприк вазифасини ўтаган.

Бу ҳақда қадимги юнон тарихчиси Страбон ҳам ўз асарларида Оқс дарёси — ҳозирги Амударё бўйлаб “Каспий ва Қора денгиз орқали Европага маҳсулотлар етказилган”ини қайд этган.

Эраимиздан аввалги учинчи-иккинчи минг йилликлардаёқ Хайбар ва Болан доволари орқали ўтган савдо йўллари тармоғи бизларни ўзаро боғлаб турган.

Марказий ва Жанубий Осиёда ислом, буддавийлик, ҳиндуйлик динлари ва турли халқларнинг ноёб анъаналари тарқалиши туфайли буюк этно-маданий муштараклик қарор топган, Шарқнинг бой ва ранг-баранг маданияти шаклланиб берибди.

Халқларимиз ўртасидаги ана шундай ўзаро қалч алоқалар жадал интеллектуал ва маърифий юксалишни таъминлади.

Бу жараён дунёга Чарака ва Сушрута, Брахмагупта ва Ал-Хоразмий, Ал-Фаробий ва Форобий, Беруний, Ибн Сино сингари яна кўплаб етук олим ва мутафаккирларни етказиб берди.

Улар инсоният илмий ва фалсафий тафаккурининг бўлғуси ривожини бир неча асрдан олдиндан белгилаб бердилар.

Миллий адабиётларимиз мумтоз намоёндаларининг ноилари бутун дунёга маълум ва машҳурдир.

Бу, биринчи навбатда, Хусрав Деҳлавий, Алишер Навоий, Абдурахмон Жомий, Муҳаммад

Ҳайдар, Махтумқули, Мирзо Ғолиб, Абай, Рабиндранат Тагор, Садриддин Айний, Чингиз Айтматов ижодида дахлдордир.

Улар ўлмас асарлари билан жаҳон халқлари ўртасида тинчлик, озолик ва инсонпарварлик тамойилларини, дўстлик ва ўзаро ишонч ғояларини ривожлантиришга улкан ҳисса қўшдилар.

Буюк олимлар — Абу Райҳон Беруний ва Заҳириддин Муҳаммад Бобур асарлари Марказий ва Жанубий Осиё минтақалари тарихи, илм-фани ва маданиятининг чинакам энциклопедиясидир.

Ҳиндистоннинг биринчи Бош вазири Жавахарлал Нерунинг Бобур ҳақидаги “у дилбар шахс, Уйғониб даврининг типик ҳукмдори”, деган таърифи кўнгликка яхши маълум.

Хусусан, Бобур ўзининг фундаментал асари “Бобурнома”да қайд этганидек, “ун олтинчи асрда Афғонистон ҳудуди орқали Ҳиндистон ва Марказий Осиё ўртасида турли моллар ортилган минглаб туялардан иборат қарвонларнинг мунтазам қатновлари йўлга қўйилган”.

Унинг фармонида биноан савдо йўллари бўйлаб қарвонсаройлар, қудуқ ва сардобалар бунёд этилган.

Бобурнинг набираси — Буюк Акбаршоҳ ҳам бобосининг ишларини давом эттирган ҳолда, Ҳиндистон тарихида барикенг ва ўзоқни кўра билладиган ҳукмдор сифатида ёрқин из қолдирган.

Таъкидлаш жоизки, ўша вақтларда Марказий ва Жанубий Осиёнинг савдо алоқалари Эрон, Арабистон, Усмонийлар давлати, Хитой, Россия сингари бошқа мамлакатлар билан ҳам фаол олиб борилган.

Тарихий манбаларнинг гувоҳлик беришича, Ҳиндистон ҳукмдори Аврангзеб 1695 йилда рус савдогари Семён Малёнокка мамлакатда савдо қилиш учун рухсатнома беради. Мазкур фармон эски ўзбек тилида ёзилгани диққатга сазовордир.

Афсуски, тарихий вазият тақозоси билан ўн тўққизинчи асрда икки қўшни минтақанинг алоқалари узилиб қолди.

Ўзаро зиддиятлар қучайиб, кескин можароларга айланиши туфайли Марказий ва Жанубий Осиё ўртасида тўсиқлар пайдо бўлиб, чегаралар ёпилди.

Ҳамкорлик ва бир-бирини англаш даври тугаб, унинг ўрнини қарама-қаршилик ҳамда ишонсизлик муҳити эгаллади.

Бунинг салбий оқибатларини биз ҳозирги вақтда самарали трансчегаравий йўллар мавжуд эмаслиги, савдо-иқтисодий алоқалар яхши ривожланмагани ҳамда маданий-гуманитар муносабатлар салохияти тўлиқ йиғилган солинмагани мисолида ҳам сезиб, ҳис этиб туришимиз.



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ХОРИЖИЙ ДЕЛЕГАЦИЯЛАР РАҲБАРЛАРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 16 июль куни “Марказий ва Жанубий Осиё: минтақавий боғлиқлик. Таҳдидлар ва имкониятлар” мавзусидаги халқаро конференцияда иштирок этган хорижий мамлакатлар ташқи ишлар вазирлари, ҳукуматлар ва нуфузли халқаро ташкилотлар вакиллари билан учрашувлар ўтказди.

Европа комиссияси вице-президенти, Европа Иттифоқининг ташқи ишлар ва хавфсизлик сиёсати бўйича Олий вакили Жозеп Боррел билан мулоқотда кўп қиррали Ўзбекистон — ЕИ ҳамкорлигининг долзарб масалалари муҳокама қилинди.

Жозеп Боррел давлатимиз раҳбарига Европа кенгаши Раиси Шарль Мишель ва Европа комиссияси раҳбари Урсула фон дер Ляйеннинг саломи ва энг эзгу тилақларини етказди ҳамда Ўзбекистон етакчилигини Марказий ва Жанубий Осиё боғлиқлигини мустаҳкамлаш борасидаги глобал ташаббуси муҳим аҳамиятга эга ва ўз вақтида илгари сурилаётганини таъкидлади.

Учрашувда кейинги йилларда Ўзбекистон ва ЕИ шериклиги жадал сураётлар билан ривожланиб бораётгани мамнуният билан қайд этилди. Кўп қиррали ҳам

корликни, энг аввало, инсон капиталли ва демократик янгилашлар, бизнес, инвестиция ва инновацияларни илгари суриш, “яшил тараққиёт”, экология, маданий алмашинув ва бошқа йўналишларда янада кенгайтириш муҳим экани таъкидланди.

Ўзбекистон ва Евроиттифок ўртасида кенгайтирилган шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги янги битим бўйича музокаралар якунига етаётгани маълум қилинди.

Халқаро кўн тартиби юзасидан ҳам батафсил фикр алмашилди. Афғонистонда тинчлик ўрнатилганга кўмаклашиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Президент Шавкат Мирзиёев Россия Федерацияси ташқи ишлар вазири Сергей Лавровни қабул қилди.

Икки мамлакат ўртасидаги стратегик шериклик муносабатларини янада мустаҳкамлаш ва кўп қиррали ҳамкорликни

ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди.

Ташқи ишлар вазири давлатимиз раҳбарига Россия Федерацияси Президенти Владимир Путиннинг саломи ва энг эзгу тилақларини етказди.

Бўлажак олий даражадаги саммитга тайёргарлик кўриш, қўшма дастур ва лойиҳаларни, энг аввало, савдо-иқтисодий ва маданий гуманитар соҳаларда илгари суришга алоҳида эътибор қаратилди.

Афғонистондаги вазият кескинлашиб шароитида минтақавий ҳамкорлиқни ривожлантириш масаласи кўриб чиқилди.

Давлатимиз раҳбари Ҳиндистон Республикаси ташқи ишлар вазири Субраманьям Жайшанкарни қабул қилди.



Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қ А Р О Р И

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҲУЗУРИДАГИ ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ИСЛОМ ЦИВИЛИЗАЦИЯСИ МАРКАЗИ ФАОЛИЯТИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШГА ДОИР ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Халқнинг бунёдкорлик қудрати жўш урган ҳозирги замонда Учинчи Ренессанснинг илмий-маънавий пойдеворини мустаҳкамлаш, ёшларни Ватанга муҳаббат, миллий-диний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш, мамлакатнинг ислом цивилизациясини ривожлантириш борасидаги ролини янада ошириш ҳамда буюк алломаларнинг жаҳон тамаддунига қўшган ҳиссасини миллий ва халқаро миқёсда оммалаштириш мақсадида:

1. Вазирлар Маҳкамаси, Дин ишлари бўйича қўмита, Фанлар академияси, Инновацион ривожланиш вазирлиги ва Маданият вазирлигининг **Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистондаги Ислам цивилизацияси марказини** (кейинги ўринларда — Марказ):

“Учинчи Ренессанс — Янги Ўзбекистон” гоясини кенг тарғиб қилувчи; мамлакат тарихининг **янги юксалиш давридаги ютуқларини илмий асосда ўргатувчи**, уни **кенг жамоатчиликка етказиб берувчи**; моддий маданий мерос намуналарини, **ислом дини билан боғлиқ қадимий ва бой анъаналарни тарғиб қилувчи илмий-маърифий масканга айлантириш** тўғрисидаги тақлифи маъқуллансин.

2. Қуйидагилар Марказнинг **янгиланган асосий вазифалари** этиб белгилансин: муқаддас ислом дини билан боғлиқ **бой меросни илмий тадқиқ этиш**, унинг Марказий Осиё цивилизацияси ривожиди ўрнини **инновацион усуллар орқали тарғиб қилиш**;

Ўзбекистонда юз берган **умуммиллий юксалишлар, тарихий ренессансларнинг илдизлари ва мазмун-моҳиятини** мамлакат аҳолиси, айниқса, ёшларга етказиш бўйича зарур чораларни кўриш;

буюк аждодларнинг **жаҳон тамаддуни, диний ва дунёвий илмлар ривожига қўшган ҳиссасини** энг замонавий усуллар ва воситалар орқали **ёритиб бориш**;

ёшларни **илм-маърифатга даъват этадиган, миллийлик ва динийлик ўртасидаги уйғунлик моҳиятини кенг тарғиб қилишга** қаратилган медиа маҳсулотлар, илмий ишланма ва тавсияларни тайёрлаш;



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ «МАРКАЗИЙ ВА ЖАНУБИЙ ОСИЁ: МИНТАҚАВИЙ БОҒЛИҚЛИК. ТАҲДИДЛАР ВА ИМКОНИЯТЛАР» МАВЗУСИДАГИ ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯДАГИ НУТҚИ

 Хурматли хонимлар ва жаноблар!

Бугунги кунда дунё турли таҳдидлар, шу билан бирга, янги имкониятларни ўзида муқассам этган глобал геосиёсий ўзгаришлар даврига қадам қўйди.

Шундай мураккаб шароитда қарийб икки миллиард аҳоли яшайдиган Марказий ва Жанубий Осиё ўртасидаги ўзаро алоқаларни қайта тиклаш муҳим ҳаётий зарурат ва табиий жараёнга айланмоқда.

Ўйлаيمانки, халқларимизнинг улкан тарихий, илмий, маданий-маърифий мероси ҳамда иқтисодийтарларимизнинг ўзаро бир-бирини тўлдирishi имкониятларидан келиб чиққан ҳолда, мавжуд интеллектуал салоҳиятни, биргаликдаги сайъ-ҳаракатларимизни ўзаро мувофиқлаштириш вақти келди.

Бу эса, ҳеч шубҳасиз, ўзининг қудратли таъсир кучини намёнён этади.

Биз ўзаро боғлиқлик, ҳамкорлик, мулоқот ва энг асосийси, ишонч изчил ва барқарор ривожланиш, минтақаларимиз аҳолисининг турмуш даражаси ҳамда фаровонлигини оширишнинг ҳаракатлантирувчи кучига айланишига аминимиз.

Бундай ёндашув — давр талабидир.

Буларнинг барчаси бир томондан, эидият ва иктимойи-иктисодий ларзалардан холи бўлган минтақаларо ҳамкорлик ва шериклик майдонини, иккинчи томондан, махсулотлар, хизматлар, инвестиция ва инновацияларнинг кенг бозори шаклланиши учун зарур шароитларни яратди.

Биз ўша халқро конференцияни ўтказиш ташаббусини илгари сурак эканмиз, қўйидаги омиллардан келиб чиққанимизни таъкидлашни истар эдим.

Биринчидан, қўшни мамлакатлар билан тинчлик ва дўстлик, ишонч ва яхши қўшничилик муносабатларини мустаҳкамлаш, ўзаро манфаатли ҳамкорлигини кенгайтириш, конструктив сибсат олиб бориш Марказий ва Жанубий Осиёдаги барча давлатларнинг умумий манфаатларига жавоб беради.

Иккинчидан, биз мамлакатларимиз ва минтақанинг узоқ муддатли истиқболи, келгуси ривожланишининг асосий драйвери бўлиб хизмат қиладиган барқарор савдо-иқтисодий, транспорт-коммуникация алоқаларини шакллантириш тарафдоримиз.

Пандемия инсоният дуч келаётган янги таҳдидларни кучайтиришни бирлаштириш ва мувофиқлаштириш орқалигина энгшиш мумкинлигини кўрсатди.

Биз ўзаро ҳамкорлигини иқтисодиётни рақамлаштириш, электрон савдони ривожлантириш ва инновацияларни кенг жорий этиш орқали мустаҳкамлашга объектив эҳтиёж сезмокдамиз.

Учинчидан, Афғонистон Ислон Республикаси Марказий ва Жанубий Осиё минтақавий боғлиқлигини амалда таъминлашининг муҳим бўгинларидан бири ҳисобланади.

Ишонамизки, минтақавий шериклигимиз ўша мамлакатда тинчлик ва барқарорлик урнатиш, унинг иқтисодий тикланиши учун муҳим омил бўлиб хизмат қиладди.

Бугун Афғонистон ўзининг энг янги та-

рихидаги муҳим бурилиш даврини бошдан кечирмокда.

Биз донишманд афғон халқи умуммиллий муросага эришиш йўлида ўзаро келишувларга тайёр эканини намойиш этишига аминимиз.

Афғон заминида қўлдан буён қутилаётган тинчликка эришиш учун можорани сиёсий йўл билан ҳал этиш ва бу жараён халқро ҳамжамият томонидан ҳар тарафлама қўллаб-қувватланиши принципиал муҳим аҳамиятга эга.

Бу Афғонистоннинг умуммиллий ҳараёнларига интеграцияси учун янги ист-тиқболлар эшигини очади.

Тўртинчидан, хавфсизлик ва барқарорлик — минтақаларимизнинг изчил ривожланиши ва ўзаро алоқаларимиз мустаҳкамланишининг асосий шартидир.

Бизнинг хавфсизлигимиз бўлинмасдир ва уни фақат конструктив мулоқот ҳамда биргаликдаги сайъ-ҳаракатларимиз орқали таъминлаш мумкин.

Хурматли Форум қатнашчилари!

Марказий ва Жанубий Осиё мамлакатлари ўртасидаги фаол ва очик мулоқот улкан савдо-иқтисодий ва маданий-цивилизацион салоҳиятимизни тўлиқ рўёбга чиқариш учун бекиёш имкониятлар яратишига ишончим комил.

Шу муносабат билан қўйидаги тақлифларни билдирмокчиман.

Биринчи. Бизнинг устувор вазифамиз савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантириш ва ўзаро сарможаларни қўлайтириш учун қулай шарт-шароитларни яратиш ҳисобланади.

Махсулот ва хизматлар ҳамда инвестицияларнинг эркин ҳаракати учун транспорт-коммуникация ва энергетика инфра-тузилмаларини шакллантириш бўйича чоратадбирларни ишлаб чиқиш ва ҳаётга тадбиқ этиш ушбу масалалар ечимига амалий ҳисса қўлган бўлур эди.

Бунинг учун ота-боболаримиз мажлис ва курултойлар, лойя жирга, васи мушаварат ва сабха каби йиғинларда тўпланганларидек, биз ҳам мамлакатларимиз ўртасида долзарб масалаларни муҳокама қилиш учун инвестициявий ҳамкорлик ва кооперацияни чуқуллаштириш, иқтисодий алоқаларни кенгайтириш бўйича йиллик минтақаларо форум ўтказишни тақлиф этамиз.

Бундай мулоқотлар доирасида ишлаб чиқилган тақлиф ва тавсиялар янги иш ўринларини яратиш, иқтисодиётларимиз салоҳиятини ривожлантириш ва уларнинг барқарор ўсишини таъминлашга қаратилган аниқ дастур ва лойихаларни уйғунлаштириш имкониятини беради.

Шунингдек, минтақаларимиз давлатлари ўртасида кўп томонлама Иқтисодий ҳамкорлик битимини тузиш масаласини қўшма экспертлик таҳлилидан ўтказишга доир ташаббусни илгари сурамиз.

Иккинчи. Марказий ва Жанубий Осиёда замонавий, самарадор ва хавфсиз транспорт-логистика инфратузилмасини яратиш.

Термиз — Мозори-Шариф — Қобул — Пешовар темир йўл тармоғи минтақаларимиз ўртасидаги ўзаро боғлиқлик архитектурасининг асосий бўғинига айланиши керак.

Ушбу лойиха етакчи халқро молия институтлари томонидан ҳам фаол қўллаб-қувватланимокда.

Бу темир йўл тармоғининг қурилиши ҳар икки минтақанинг транзит салоҳиятини тўла рўёбга чиқариш, Жанубий Осиё ва Европа мамлакатлари ўртасида Марказий Осиё ва Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги ҳудуди орқали ўтадиган энг қисқа йўлни очиш, шу билан бирга, юкларнинг туриб қолиши ва ташиш муддатларини сезиларли даражада қисқартиришга хизмат қиладди.

Умуман олганда, ушбу трансчегаравий темир йўлни фойдаланишга топшириш Марказий ва Жанубий Осиё мамлакатларининг инклюзив иқтисодий ривожи учун мустаҳкам замин яратади.

Мазкур темир йўл тармоғи Ҳинд-Ганг текислигини Таксила, Гандара, Термиз сингари тарихий шаҳарлар орқали Евроосиёнинг жанубий ҳудуди билан боғлаган, ўтарапатхга номи билан маълум қадимги шимоллий савдо йўлининг ўзига ҳоз замонавий шакли бўлади.

Ҳиндистонни Марказий Осиё мамлакатлари билан боғлайдиган “Шимол — Жануб” транспорт коридори мана шундай трансминтақавий инфратузилмани ҳаётга муваффақиятли татбиқ этишининг ёрқин намунасидир.

Бундан ташқари, Трансафғон темир йўл қурилиши лойихаси келгусида мамлакатларимизни Хитой ва Осиё — Тинч океани минтақасининг бошқа етакчи давлатлари билан боғлаши мумкин. Бу эса “Бир макон, бир йўл” ташаббуси мақсадлари билан ҳам уйғундир.

Учинчи. Истиқболли рақамли платформаларнинг жорий этиш Марказий ва Жанубий Осиё мамлакатларини иқтисодий ривожлантиришининг локомотивига айланиши даркор.

Савдо, транзит, чегаралардан ўтиш борасида рақамли ҳамкорлиқни қучайтириш бўйича аниқ чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва Қўшма ҳаракатлар стратегиясини қабул қилиш зарур.

Бу жараёнга мамлакатларимиз ва БМТнинг ихтисослашган тузилмалари етакчи экспертларини кенг жалб этиш мумкидир.

Тўртинчи. Бепоеён минтақаларимиз ҳудудига ҳамкорликда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш йўлларини излаш.

Сўнгги вақтда асосий озиқ-овқат махсулотларининг нархи жадал ўсиб бораётгани, дунёнинг базми минтақаларида аҳоли кескин озиқ-овқат тақчиллигини бошидан кечираётгани кузатилмокда.

Бундай таҳдидларни бартараф этиш бўйича Дастур ишлаб чиқиш учун БМТнинг (ФАО) ва қишлоқ ҳўжалиги ташкилоти (ОАҚ) шафелигидеа мамлакатларимиз қишлоқ ҳўжалиги вазирларининг учрашувини ўтказишни тақлиф этамиз.

Мазкур ҳужжат ишлаб чиқариш кооперацияларига оид лойихаларни амалга ошириш, илгор технологияларни татбиқ этиш, қўшма лойихаларни тайёрлаш ва тегишли тадқиқотлар ўтказиш каби вазифаларни назарда тутиши зарур.

Бешинчи. Хавфсизлик ва барқарорликка таҳдид ва хавф-хатарларга қарши курашишда кучларни бирлаштириш.

Биз терроризм, экстремизм, трансмиллий, хусусан, кибермакондаги жиноятчиликка қарши фақат биргаликда самарали кураш олиб боришимиз мумкин.

Бу борада дастлабки қадам сифатида БМТнинг Гиеҳвандлик ва жиноятчилик бўйича бошқармаси иштирокида Гиеҳвандликка қарши қўшма ҳаракатлар режасини ишлаб чиқишни тақлиф этамиз.

Кучларни бирлаштириш зарур бўлган асосий йўналишлардан яна бири — терроризм хавфига қарши кураш, деб ҳўсобилаймиз.

Биз ушбу масалалар бўйича икки минтақа вакиллари иштирокида махсус экспортлик учрашувини ташкил этишга тайёрмиз.

Бу мулоқотни жорий йил ноябр ойида БМТнинг Марказий Осиёда глобал терроризмга қарши стратегиясини амалга ошириш бўйича Қўшма ҳаракатлар режасини қабул қилинганининг ўн йиллигига бағишлаб Тошкентда ўтказиладиган халқро конференция доирасида уюштириш ҳам мумкин.

Олтинчи. “Яшил иқтисодиёт”ни ривожлантиришни раббатлантириш ва экология масалалари алоҳида эътиборни талаб этади. Марказий ва Жанубий Осиёнинг барча мамлакатларида жадал саноат ва демографик ўсиш жараёни глобал иқлим ўзгаришлари шароитида энг бермокда.

Бундай вазиятда сув ресурслари тақчиллиги, атроф-муҳит ва атмосферанинг ифлосланиши, тупроқ қатламнинг емирилиши ва қўлланли барчамизга дахлдор муаммолар ҳисобланади.

Тобора умумбашарий тус олиб бораётган Орол денгизининг қуриши билан боғлиқ вазият экологик таҳдидларнинг ўта салбий таъсирига яққол мисол бўла олади.

Бу фожиянинг оқибатларини юмшатиш, келгусида инсониятни бундай офатлардан огоҳ этиш учун барча чораларни қўришиш керак. Бу борада табиат билан уйғун бўлишга интилиб янаган аждодларимизнинг тажрибасига таянишимиз зарур.

Еттинчи. Биз Марказий ва Жанубий Осиёнинг улкан сайёҳлик салоҳиятини тўлиқ ишга солиш тарафдоримиз.

Бу ҳақда сўз юритганда, машҳур сайёҳлик брендларини, янги ва қулай сайёҳлик махсулотлари ва йўналишларини, жумладан, қизиқши тобора ортиб бораётган “экират туризми”ни ривожлантириш, вакцинация бўйича ўзаро тан олинган сертификатлар асосида “Янги шароитдаги туризм” концепциясини кенг жорий этиш зарур.

Бутунжаҳон сайёҳлик ташкилоти доирасида Марказий ва Жанубий Осиё бўйича халқларимизнинг тарихий ва маданий меросини оммалаштиришга қаратилган Дастур ишлаб чиқишни тақлиф қиламиз.

Саккизинчи. Илмий ва маданий-гуманитар алмашувларни кенгайтириш дўстлик ва ўзаро ишончни мустаҳкамлашнинг муҳим шартларидан биридир.

Шу муносабат билан Ўзбекистонда, Термиз шаҳрида ЮНЕСКО шафелигидеа “Марказий ва Жанубий Осиёнинг тарихий мероси” мавзусида халқро форум ўтказишни тақлиф этамиз.

Мамлакатларимиз аҳолисининг катта қисмини ташкил этадиган ёшларни жалб этган ҳолда, таълим ва илм-фан, маданият ва спорт соҳаларида қўшма дастурларни амалга ошириш устувор аҳамият касб этмокда.

Ёшлар — бизнинг бебаҳо бойлигимиз эканини барчамиз яхши англаймиз.

Мамлакатларимиз ва халқларимизнинг тақдирини ва келажаги — айнан ёш авлодининг қандай таълим ва тарбия олиши, улар учун қандай шарт-шароит ва “социал лифт”ларни яратиб беришимизга бевосита боғлиқ.

Ёшлар масаласида самарали ҳамкорлиқни йўлга қўйиш мақсадидеа доимий фаолият юротидаган Марказий ва Жанубий Осиё мамлакатлари ёшлари кенгашини тузишни тақлиф қиламан.

Тўққизинчи. Бугунги кунда илм-фан, технология ва инновациялар соҳасида юксак марраларга эришиш мамлакатларимизнинг жадал ривожини йўлидаги муҳим омил ҳисобланади.

Биргаликда қўшма тадқиқотлар ва инновация ишларини олиб бориш, илмий ва ўқув стажировкаларини, тажриба алмаштиш дастурларини раббатлантириш зарур.

Шу муносабат билан Марказий ва Жанубий Осиё мамлакатларининг олим ва тадқиқотчилари учун соддалаштирилган виза тартибининг жорий этиш, шунингдек, университетлар ва илмий-тадқиқот марказлари ўртасидаги ҳамкорлик бўйича онлайн-платформа яратишни тақлиф этамиз.

Учинчи. Минтақаларимизнинг ўзаро боғлиқлиги ва тараққиётни суъратини тизимли ўрганиш ва таҳлил қилиш асосида чуқур ўйланган қарорлар қабул қилиш ҳозирги пайтда ҳар қачонгидан ҳам долзарбдир.

Мазкур Форум арафасида Тошкентда Марказий Осиё халқро институти очилди.

Минтақавий ҳамкорлиқни ривожлантириш мақсадидеа ушбу таҳлил маркази қошида мамлакатларимизнинг таниқли олимлари, тадқиқотчи ва таҳлилчиларидан иборат Экспертлар кенгашини тузишни тақлиф қиламиз.

Бундан ташқари, бугунги конференция якунлари бўйича **Марказий ва Жанубий Осиё ўртасида, умуман, Евроосиё маконидеа доимий ва барқарор ривожланишининг муҳим омилли сифатида ўзаро алоқаларни мустаҳкамлаш тўғрисида махсус резолюция лойихасини ишлаб чиқиб, БМТ Бош Ассамблеясига тақдим этишни** тақлиф қиламан.

Ушбу ҳўжжатда мулоқотларимизнинг умумий ёндашувлари, асосий таъмил ва йўналишларини акс эттириши лозим.

Резолюция лойихасида бизнинг Марказий ва Жанубий Осиё мамлакатлари минтақавий боғлиқлиги бўйича юқори даражадаги доимий форумларни мунтазам ўтказиб боришга тайёрлигимизни акс эттириш ҳам мақсадга мувофиқдир.

Хурматли конференция иштирокчилари! Ушбу жараёнларда мамлакатимизнинг тутган ўрни ҳақида сўз юритиб, қўйидаги фикрларни алоҳида таъкидламокчиман.

Бизнинг бугунги анжуманимиз янги Ўзбекистоннинг шаклланиши ва ривожланиши билан боғлиқ муҳим тарихий даврда бўлиб ўтмокда.

Биз жамиятимизнинг барча соҳаларида тизимли ва тўб демократик ислохотларни босқичма-босқич амалга оширмокдамиз.

Бу ўзгаришлар кенг қўламли ва ортга қайтмайдиган муқаррар тус олди. Бу — халқимизнинг принципиал танловидир.

Марказий Осиё минтақасида — Қозогистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Туркманистон билан яхши қўшничилик муносабатларини ривожлантириш бўйича амалга оширилган тўб ўзгаришлар Ўзбекистон ташқи сиёсатининг асосий ютуғидир.

Умумий сайъ-ҳаракатларимиз натижасида минтақамизда ўзаро ишонч ва бир-бирини қўллаб-қувватлаш руҳига асосланган мулқро янги муҳит шаклланди.

Биз ривожланиш драйверлари ҳамда “янги ўсиш нуқталари”ни биргаликда аниқлаш ва мунтазам мулоқотлар учун самарали майдон яратдик. Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг навбатдаги Маслаҳат учрашувини август оий бошида Туркменистонда ўтказишни режалаштирганимиз.

Шуни алоҳида таъкидлаб айтмокчиман: **Ўзбекистон конструктив ва ўзаро манфаатли ҳамкорлиқни ривожлантиришга доимо тайёр бўлган ишончли ва барқарор, қатъий позицияга эга шерикдир.**

Хурматли хонимлар ва жаноблар! Азиз меҳмонлар!

Марказий ва Жанубий Осиёнинг тарихий ва цивилизациявий муштараклиги, халқларимиз ва мамлакатларимизнинг умумий манфаатлари биргаликда фаровон келажақни бунёд этишимиз учун мустаҳкам замин яратади.

Ўзаро алоқаларни ва минтақавий ҳамкорлиқни мустаҳкамламасдан туриб, бугунги кунда мамлакатларимиз дуч келаётган хавф-хатар ва таҳдидларни енгиб бўлмаслигини чуқур англаш вақти келди.

Биз фаровонлик ва тараққиётга эришиш йўлида биргаликда ривожланиш истиқболлари бўйича яхлит ёндашувларни ишлаб чиқишимиз лозим.

Бизнинг олдимизда Марказий ва Жанубий Осиё, умуман, бутун Евроосиё минтақасини барқарор, иқтисодий ривожланган фаровон ҳудудга айлантириш вазифаси турибди.

Анжуманимизнинг барча иштирокчиларига самарали фаолият тилайман.

Эътиборингиз учун ташаккур.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ХОРИЖИЙ ДЕЛЕГАЦИЯЛАР РАҲБАРЛАРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ



Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон — Ҳиндистон стратегик шериклик ва кўп қиррали ҳамкорлик муносабатлари олий даражадаги мунтазам мулоқотлар давомидеа эришилган келишувларга мувофиқ изчил ривожланиб бораётганини мамнуният билан қайд этди.

Вазир Жайшанқар Ўзбекистон етакчисига Ҳиндистон Бош вазири Нарендра Модининг саломи ва самимий тилақларини етказди.

Ўзбекистоннинг Марказий ва Жанубий Осиё ўртасидаги боғлиқлиқни, шунингдек, Афғонистонда тинчликка эришиш ва ушбу мамлакат иқтисодиётини тиклашга қаратилган минтақавий лойихаларни илгари суриш борасидаги сайъ-ҳаракатлари юксак баҳоланди.

Учрашувда икки мамлакат ҳудудларини фаол жалб қилган ҳолда инвестициялар, инновациялар, савдо, бизнес, логистика, ахборот технологиялари, соғлиқни сақлаш ва бошқа устувор йўналишларда қўшма лойихаларни амалга ошириш мумкинлиги таъкидланди.

Мамлакатларимиз “Ҳиндистон — Марказий Осиё” форматидеа самарали мулоқотни давом эттиришдан манфаатдор экани қайд этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Қозогистон Республикаси Бош вазирини ўринбосари — ташқи ишлар вазири Мухтор Тлеубердини қабул қилди.

Ўзбекистон ва Қозогистон ўртасидаги дўстлик, яхши қўшничилик ва стратегик шериклик муносабатларини янада мустаҳкамлашнинг долзарб масалалари муҳокама қилинди.

Ташқи ишлар вазири Мухтор Тлеуберди давлатимиз раҳбарига Қозогистон Президенти Қосим-Жомарт Тоқоев ва Биринчи Президенти — Элибози Нурсултон Назарбоевнинг саломи ва эзгу тилақларини етказди.

Бўлажак олий даражадаги тадбирларга тайёргарлик қўриш, шунингдек, икки мамлакат ўртасидаги иқтисодий кооперация лойихалари ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик дастурларини илгари суришга алоҳида эътибор қаратилди.

Афғонистондаги вазиятдан келиб чиқиб минтақа кун тартибидеа масалалар ҳамда август ойининг бошида Туркменистонда ўтказиладиган навбатдаги Марказий Осиё мамлакатлари етакчиларининг Маслаҳат учрашувига тайёргарлик масаласи қўриб чиқилди.

Президент Шавкат Мирзиёев Туркменистон Вазирлар Маҳкамаси раисининг ўринбосари, ташқи ишлар вазири Рашид Мередовни қабул қилди.

Олий даражадаги мунтазам мулоқотлар туфайли кўп қиррали Ўзбекистон — Туркменистон яхши қўшничилик ва стратегик шериклик муносабатлари изчил мустаҳкамланиб бораётгани алоҳида таъкидланди.

Рашид Мередов давлатимиз раҳбарига Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухамедовнинг саломи ва самимий тилақларини етказди. Ўзбекистон етакчисининг Марказий ва Жанубий

Осиё боғлиқлигини ривожлантириш борасидаги ташаббуслари юксак баҳоланди.

Икки мамлакат ўртасидаги амалий ҳамкорлиқни янада кенгайтириш масалалари қўриб чиқилди. Қўшма ҳукуматларо комиссиянинг навбатдаги йиғилишини ўтказиш мумкинлиги қайд этилди.

Жорий йилнинг 6 август куни “Аваза” миллий туризм зонасида ўтказиладиган Марказий Осиё мамлакатлари давлат раҳбарларининг Маслаҳат учрашувига тайёргарлиқнинг бориши муҳокама қилинди.

Афғонистонда қарор топаётган мураккаб вазият юзасидан фикр алмашилди.

Давлатимиз раҳбари Тожикистон Республикаси ташқи ишлар вазири Сирохиддин Мухриддинни қабул қилди.

Жорий йилнинг 11-12 июнь кунлари Тожикистонга юзасидан фикр алмашилди.

Давлатимиз раҳбари Тожикистон Республикаси ташқи ишлар вазири Сирохиддин Мухриддинни қабул қилди.

Учрашувда қабул қилинган “Йўл харитаси” асосида иқтисодиётнинг турли тармоқларидаги устувор лойихаларни ва маданий-гуманитар алмашинув дастурларини илгари суриш масалалари муҳокама қилинди.

Минтақавий аҳамиятга молик долзарб масалалар — Афғонистондаги вазият ҳамда Марказий Осиё мамлакатлари етакчилари ва Шанхай ҳамкорлик ташкилоти саммитларига тайёргарлик қўриб чиқилди.

ПрезидентиМиз Қирғиз Республикаси Вазирлар Маҳкамаси раисининг ўринбосари — иқтисодиёт ва молия вазири Ақилбек Жапаровни қабул қилди.

Икки томонлама ва минтақавий ҳамкорлик масалалари юзасидан фикр алмашилди.

Ақилбек Жапаров Ўзбекистон етакчисига Қирғизистон Президенти Саидир Жапаровнинг саломи ва энг эзгу тилақларини етказди.

ТАРИХИЙ ВА ЦИВИЛИЗАЦИЙВИЙ МУШТАРАКЛИК, ХАЛҚЛАРИМИЗ ВА МАМЛАКАТЛАРИМИЗНИНГ УМУМИЙ МАНФААТЛАРИ

ФАРОВОН КЕЛАЖАКНИ БУНЁД ЭТИШДА МУСТАҲКАМ ЗАМИН ЯРАТАДИ

«1» ...Қашмир ва Тибет ўртасидаги тош қоялардан бирида сўғд ёзувида тахминан шундай мазмундаги ёзув бор: "Мен самарқандлик Ношфарн Тибет ҳоқони хузурига кетяман". Сайёҳ қарийб 12 аср олдин ушбу қайдларни тошга ўйиб ёзган экан.

Сўғдий ёзувлари Хитой — Вьетнам чегараси яқинидаги археологик қазилма ишлари довомида топилган қумшў идишда ҳам учрайди. Эрамининг V асрига тааллуқли ушбу буюм Чоқ халқига мансуб одамга тегишли эканлиги аниқланган. Бу эл вакиллари эса ҳозирги Тошкент ва унга тutasиби кетган ҳудудларда яшагани маълум.

Тарихчиларнинг фикрига кўра, шу каби кўплаб топилмалар, археологик далиллар қадимий даврларда нафақат машҳур Ипак йўли, балки Буюк Ҳиндистон йўли ҳам Ўрта Осиё орқали ўтганини тасдиқлаш имконини беради. Бир қатор манбаларда таъкидланишича, бу Ўрта ер денгизи, Жанубий Кавказ, бизнинг минтақамиз, Ҳиндистон ва эҳтимол, Хитойни ҳам боғлайдиган тарихдаги биринчи минтақалараро йўл бўлган.

Бинобарин, тақдирнинг ўзи умумий тарихга эга халқлар ва мамлакатларни эса келажақларини биргаликда қуришга тай ёрлади. Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ҳам "Марказий ва Жанубий Осиё: минтақавий боғлиқлик. Таҳдидлар ва имкониятлар" деб номланган халқаро анжуманда минтақаларнинг тарихий яқинлигига алоҳида тўхталиб ўтди, давлатларни бир-бири билан ўзаро муносабатларни тўғрисида бир қатор далилларни келтирди. Мамлакат раҳбари ўзаро ишонч ва манфаатларни ҳисобга олган ҳолда ушбу ҳамжамиятни айнан бугун мустаҳкамлаш муҳимлигини таъкидлади.

Олий даражадаги конференцияда

Афғонистон Ислом Республикаси Президенти, Покистон Ислом Республикаси Бош вазири, Марказий ва Жанубий Осиё давлатлари ташқи ишлар вазирилари, 44 мамлакат ва ўттизга яқин халқаро ташкилотлардан делегациялар, нуфузли илмий-тадқиқот ва таҳлил марказлари раҳбарлари иштирок этди.

Форум давомида давлатимиз раҳбари томонидан бир қатор муҳим тақлифлар илгари сурилди.

Савдо-иқтисодий ҳамкорлик соҳасидаги долзарб масалаларни муҳокама қилиш, кооперация ва инвестициявий алоқаларни кенгайтириш учун ҳар йили минтақалараро форум, БМТнинг Озёқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти шафелигида минтақа мамлакатлари қишлоқ хўжалиги вазирларининг урарушвини ўтказиш, савдо, транзит ва боҳона жараёнларини рақамлаштириш, шу бўйича қўшма ҳаракатлар стратегиясини қабул қилиш, Марказий ва Жанубий Осиёнинг туризм салоҳиятидан кенг фойдаланиш мақсадида туроператорларнинг ягона платформасини шакллантириш, ЮНЕСКО шафелигида Термиз шаҳрида Марказий ва Жанубий Осиёнинг тарихий меросига бағишланган халқаро форумни ташкил этиш, қўшма тадқиқот ва тажриба алмашиш дастурларини рағбатлантириш, олим ва тадқиқотчилар учун енгиллаштирилган виза тартибини жорий қилиш, Тошкентда янги очилган Марказий Осиё халқаро институти қошида минтақавий ҳамкорлиқни ривожлантиришга қаратилган Экспертлар кенгаши тузиш шулар жумласидандир.

Халқаро экспертларнинг фикрича, Ўзбекистон Марказий Осиёда хавфсизлик бўйича Самарқанд конференцияси ва Афғонистон бўйича қарама-қарши томонлар ўртасида тинчлик музокараларини бошлаб берган Тошкент анжуманидан сўнг мин-

тақавийликни ривожлантиришга замин яратган учинчи халқаро тадбирга мезбонлик қилмоқда.

Айтиш керакки, унинг мавзуси ва қолаверса, ҳозирги геосийёсий вазият ҳамда қўшни Афғонистондан АҚШ қўшинларининг олиб чиқиб кетилиши фонидда ушбу глобал форум ҳар қачонгидан ҳам кўра долзарб аҳамият касб этди.

Афғонистон мавзуси форум кун тартиби марказидан жой олган масалалардан бирига айлангани ҳам бежиз эмас. Зеро, йирик геосийёсий тадбир бошланишидан олдин ҳам таҳлилчилар конференция Афғонистонни қамраб олган ҳолда минтақавий ҳамкорлик форматларини кенгайтиришга хизмат қилишини айтишганди.

Масалан, яқинда АҚШнинг нуфузли "The Wall Street Journal" нашрида берилган мақолада минтақага нисбатан янги ҳаёт ёндашув контурини белгилашда Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан ташкил этилган халқаро конференцияга эътибор қаратиш лозимлиги, боиси унда минтақавий боғлиқлик масалалари муҳокама қилинишига алоҳида урғу бериб ўтилган.

Қозғонистоннинг энг таниқли сиёсатшуносларидан бири Досим Сатпаев эса "Форбс"да Шавкат Мирзиёев президентлик лавозимига келиши билан Тошкентнинг Афғонистон йўналишидаги алоқалари фоллашгани, Ўзбекистоннинг ҳақлиқ қўшини билан иқтисодий ҳамкорлиги мустаҳкамланиб бораётганини таъкидлади.

Сиёсатшунос минтақадаги "қучлар мувозанати"ни таҳлил қилиб, "Агар Қозғонистон афғон йўналишида, ҳақиқатан ҳам, фолпроқ қатнашишни хоҳласа, буни шу бўйича салмоқли тажрибага эга бўлган Ўзбекистон билан иттифокда қилгани маъқул" деган хулосага келди.

Президент Шавкат Мирзиёев ўз нутқида Афғонистон Ислом Республикаси мавзусига алоҳида эътибор қаратиб, мазкур мамлакат Марказий ва Жанубий Осиё минтақавий боғлиқлигини амалда таъминлашнинг муҳим бўғинларидан бири ҳисобланишини таъкидлади.

— Ишонамизки, минтақавий шериклигимиз ушбу мамлакатда тинчлик ва барқарорлик ўрнатиш, унинг иқтисодий тикланиши учун муҳим омил бўлиб хизмат қилади, — деди Ўзбекистон етакчиси.

Шу билан бир қаторда, конференцияда кўтарилган масалалар нафақат Афғонистон муаммосини, балки қарийб икки миллиардлик аҳолиси бўлган икки улкан минтақа ўртасидаги алоқаларни ривожлантиришни ўз ичига олди. Бу эса Евроосиё ва бошқа қитъалар манфаатларига дахлдор омиллардир. Мазкур нуктаи назар янги Ўзбекистоннинг изчил амалга ошираётган ташқи сиёсий йўналишига мантқан мос келади.

"Конференциянинг ҳақиқий тарихи Афғонистон эмас, балки Ўзбекистондир, — деб ёзади "Америка овози" телерадиоси ўзининг 280 миллионлик аудиторияси учун. — Ҳам Афғонистондаги тинчликни, ҳам минтақавий алоқаларни фоллаштираш орқали Тошкент мазкур икки жиҳатни фолл ташқи сиёсатнинг жуфт устунига айлантирди, бу Ўзбекистон раҳбарлигига янада юксак мақом ва янги таъсир кучини тақдим этди", дея таъкидлайди муаллиф.

Эътироф этилишича, Президент Шавкат Мирзиёев қўшиллар билан муносабатларни яхшилади ва Ўзбекистонни минтақадаги потенциал етакчи сифатида намён қила олди. Конференция эса минтақалараро мулоқотдаги мазкур ижобий силжишни мустаҳкамлаб, савдо, транспорт ва коммуникация алоқа-

ларини ривожлантиришга хизмат қилади.

Ўзбекистон раҳбари ушбу мақсадларга эришиш, тинчлик ва дўстлик, ишонч ва яхши қўшничиликни мустаҳкамлаш, мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорлиқни кенгайтириш, ҳар икки минтақа давлатларининг умумий манфаатларига жавоб берадиган очик ва конструктив сиёсатни йўлга қўйишга йўналирилган муҳим ташаббуслар, бир қатор тақлифларни илгари сурди.

— Марказий ва Жанубий Осиёнинг тарихий ва цивилизациявий муштараклиги, халқларимиз ва мамлакатларимизнинг умумий манфаатлари биргаликда фаровон келажақни бунёд этишимиз учун мустаҳкам замин яратади, — деди Шавкат Мирзиёев. — ...Бизнинг олдимизда Марказий ва Жанубий Осиё, умуман, бутун Евроосиё минтақасини барқарор, иқтисодий ривожланган фаровон ҳудудга айлантириш вазифаси турибди.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби Антониу Гутерриш конференция иштирокчиларига видеомурожаат йўлади.

Афғонистон Ислом Республикаси Президенти Ашраф Ғани, Покистон Ислом Республикаси Бош вазири Имрон Хон, Европа Иттифокнинг ташқи ишлар ва хавфсизлик сиёсати бўйича Олий вакили Жозеп Боррел ўз чиқишларида минтақадаги ҳамкорлик истикболлари ва форумнинг аҳамиятига тўхталиб ўтди.

Конференциянинг ялпи мажлиси давомида, шунингдек, ташқи сиёсат маҳкамалари, халқаро молия ташкилотлари раҳбарлари нутқ сўзлади, Марказий ва Жанубий Осиёдаги минтақалараро алоқаларнинг бугунги ҳолати ва келажаги, ўзаро ҳамкорлиқнинг муваффақиятли намуналари, ўзаро боғлиқликнинг истикболли инфратузилма лойиҳалари кўриб чиқилди.

Анжуман доирасида шуьба мажлислари ҳам бўлиб ўтди. Биринчиси "Барқарор ўсишга хизмат қилувчи савдо ва транспорт алоқаси" деб номланди. Унда:

- минтақаларо алоқани кучайтириш асносида Марказий ва Жанубий Осиё иқтисодиёти модернизация қилиш истиқболлари;
- Марказий ва Жанубий Осиёда транспорт-коммуникация алоқаларини ривожлантириш имкониятлари, шу жумладан, мавжуд транспорт коридорларини кенгайтириш ва янги лойиҳаларни амалга ошириш;
- хорижий ҳамда халқаро молия ва инвестиция институтлари билан ҳамкорликнинг устувор йўналишлари каби масалалар муҳокама қилинди.

"Маданий-гуманитар алоқаларни тиклаш дўстлик ва ўзаро ишончни мустаҳкамлаш воситаси сифатида" мавзусидаги иккинчи шуъбада эса Марказий ва Жанубий Осиёнинг тарихий ҳамда маданий меросини ўрганиш, сақлаш ва тарғиб қилиш борасида ҳамкорлик, таълим, ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва ишлар манфаатларини ҳимоя қилиш, соғлиқни сақлаш, фан ва техника, экология, туризм соҳаларидаги ўзаро фаолият кун тартибидан жой олди.

"Минтақавий хавфсизлик. Қаршиликлар ва таҳдидлар" мавзусига бағишланган учинчи шуъбада эса янги хатар ва таҳдидларга қарши кураш, шунингдек, трансчегаравий инфратузилмалар хавфсизлигини таъминлашда минтақавий ҳамкорлик истикболларига эътибор қаратилди.

Конференция яқунлари бўйича махсус резолюция лойиҳаси тайёрланиб, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясига кўриб чиқиш учун тақдим этиладиган бўлди.

Санджон МАХСУМОВ
(«Халқ сўзи»).

Сўз — конференция иштирокчиларига

МАРКАЗИЙ ВА ЖАНУБИЙ ОСИЁ МИНТАҚАЛАРИНИНГ ИСТИҚБОЛИ ПОРЛОҚ

Тошкент шаҳрида 15-16 июль кунлари "Марказий ва Жанубий Осиё: минтақавий боғлиқлик. Таҳдидлар ва имкониятлар" мавзусидаги халқаро конференция бўлиб ўтди. ЎЗА мухбирлари конференция иштирокчиларининг айримларидан анжуман ҳақидаги таассуротларини ёзиб олди.

Фредерик Старр, Жон Хопкинс университети қошидаги Марказий Осиё ва Кавказ институти асосчиси ва раиси:



— Конференциядан улкан таассурот олдим. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев жуда ўринли таъкидлади. У "биз янги бирон нарса бошлаётганимиз йўқ, бу қадимий ва ҳақиқий минтақанинг қайта кашф қилиниши, Жанубга йўлнинг қайта қурилишидир", — деди.

Таъкидлаш керак, илгари бу илоҳсиз ишга ўхшар эди. Энди эса бутун дунё мазкур конференция юзасидан фикр билдирмоқда.

Аммо Марказий ва Жанубий Осиё ўртасида йўлларнинг очилиши учун қатор ўзига хос масалалар ҳал қилиниши керак. Ишончим комилки, 2-3 йил ичида минтақалараро ҳаракатлар ижобий натижа кўрсата бошлайди.

Конференция чоғида билдирилган фикрларга тўлиқ қўшилиш, гоғлар жаҳонда тан олинмоқда. Ташкилотчиларни қутлаш керак, зеро, улар бутун дунёга Марказий Осиё борлигини ва Жанубга йўл очилишини эълон қилмоқда.

Сергей Лавров, Россия Федерацияси ташқи ишлар вазири:



— Россия Марказий ва Жанубий Осиёнинг деярли барча давлатлари билан жуда яқин алоқаларга эга. Уларнинг аксарияти билан йирик инфратузилмавий энергетик лойиҳалар ва бошқа дастурлар амалга оширилмоқда. Демак, унинг ҳамкорлари ушбу соҳалардаги шериклик истикболларини қандай тасаввур қилишларини билиш Россияда қизиқшар уйғотди.

Конференция асосида амалий лойиҳаларни самарали татбиқ этишга ёрдам берадиган кўп сонли ташаббуслар тақдим қилинди. Хусусан, Ўзбекистон Президентининг салмоқли нутқида қокори натижаларга эришиш бўйича асосий йўналишлар тақдим қилингани айниқса аҳамиятли бўлди.

Мухтор Теуберди, Қозғонистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — ташқи ишлар вазири:



— Марказий ва Жанубий Осиёдаги улкан имкониятлардан фойдаланиш учун барча минтақавий низооларни тинч йўл билан ҳал этиш зарур. Қозғонистон Марказий ва Жанубий Осиё минтақалар ҳамкорлигида иқтисодий алоқаларни мустаҳкамлаш, шунингдек, Афғонистондаги қуроли тўқнашувларни ҳарбий йўл билан бартараф этиб бўлмаслиги борасидаги Ўзбекистоннинг тақлифларини қўллаб-қувватлайди. Қолаверса, минтақада ўзаро манфаатли бўлган барча соҳадаги муносабатларнинг бугунги ҳолатида ушбу низооларни бартараф этиш, бирлаштиш, сиёсий, савдо-иқтисодий, маданий-гуманитар соҳалардаги кўп қиррали алоқаларни янада мустаҳкамлаш нафақат минтақавий, балки бутун ҳамжамият аҳамиятига молик масалалар саналади.

Сирожиiddин Мухриiddин, Тожикистон Республикаси ташқи ишлар вазири:



— Ўзбекистон Президенти яқинда расмий ташири билан Тожикистонда бўлди. Бугун Шавкат Мирзиёев билан учрашувда ушбу ташири чоғида эришилган келишувлар ихросини атрафлича муҳокама қилдик.

Ушбу конференция тарихий воқеа бўлди. Ўзбекистон Президенти мазкур конференцияни ўтказиш ташаббуси орқали бутун дунёга минтақамиз салоҳиятини намойиш этди. Бунинг учун у кишига миннатдорлик билдирамыз.

Ҳозирги мураккаб шароитда бундай нуфузли тадбирларни ўтказиш осон эмас. Анжуманда қардош мамлакатлар ҳамда халқаро ва минтақавий ташкилотлар вакиллари минтақамизнинг долзарб масалаларини, жумладан, Жанубий Осиё давлатлари билан иқтисодий ҳамкорлик, транспорт-транзит алоқалари, маданий-гуманитар ҳамкорлиги йўналишларини муҳокама қилдик. Биз ишонамизки, бу ташаббус Марказий Осиёнинг бешта давлати, шунингдек, Жанубий Осиё минтақасига ҳамкорлик учун янги имкониятларни очди.

Рашид Мередов, Туркманистон Вазирлар Маҳкамаси раиси ўринбосари, ташқи ишлар вазири:



— Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев билан учрашувимизда мен Ўзбекистон раҳбарига Туркманистон Президенти Гурбангули Бердимухамедовнинг саломи ва эзгу тилакларини етказдим. Мулоқот чоғида мамлакатларимиз учун долзарб бўлган бир қатор масалаларни, шунингдек, минтақавий долзарб муаммоларни муҳокама қилдик.

Марказий Осиё минтақасининг келажаги порлоқ. Бир неча ҳафтадан кейин Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг навбатдаги Маслаҳат учрашуви бўлиб ўтади. Унда Марказий Осиё давлатлари Президентлари яна бир бор минтақавий ҳамкорлиқни кенгайтириш билан боғлиқ масалаларни кўриб чиқади. Биз ушбу учрашувнинг натижаси ўларок, минтақа давлатлари ўртасида икки ва кўп томонлама муносабатларни муҳокама қилиш имкониятига эга бўламыз.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг БМТ Бош Ассамблеяси 75-сессиясида илгари сурган ташаббусларида ҳақиқатан ҳам Марказий ва Жанубий Осиё минтақаларига тааллуқли кучли ва кенг қамровли минтақавий ҳамда глобал гоғлар ақл этганини таъкидлашни истардим. Ўзбекистон Президенти конференциядаги нутқида ушбу ташаббусларни ҳаётга жорий қилишнинг амалий ва устувор йўналишларини баён қилди. Бу ташаббуслар, ҳеч шубҳасиз, Марказий ва Жанубий Осиё минтақалари учун янги истикболларни очди.

Владимир Норов, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Бош котиби:



— Евроосиё қитъасининг 60 фоиз ҳудудида жойлашган давлатларни бирлаштирган ва сайёрамиз аҳолисининг қарийб ярмини ташкил этган Шанхай ҳамкорлик ташкилоти бу йил 20 ёшга тўлди. Ташкилот Марказий ва Жанубий Осиёнинг хавфсизлиги ва тараққиётига ўзини масъул ҳисоблаб, ушбу икки минтақа ривожланиши ва ўзаро мулоқотларини янада чуқурлаштиришга муҳим ҳисса қўшмоқда. ШХТ маконида оптимал транспорт йўлакларини барпо этиш, барқарор иқтисодий тараққиётни қўллаб-қувватлаш, мустаҳкам ишлаб чиқариш занжирини яратиш учун Мозори-Шариф — Хирот ва Мозори-Шариф — Пешовар темир йўллари қуриш устувор ҳисобланади. Ўзбекистон, Қирғизистон ва Хитой ушбу йўлакнинг Шарқ ва Ғарб йўналиши бўйича муҳим бўғин бўлиб хизмат қилади ва Марказий Осиё давлатларининг денгиз портларига чиқишини таъминлайди.

Шундай экан, ушбу минтақанинг тараққий этиши учун Афғонистонда тезроқ мустаҳкам тинчлик ва барқарорлик ўрнатиш муҳим аҳамиятга эга.

Бағдад Амреев, Туркий тили давлатлар ҳамкорлик Кенгаши бош котиби:



— Конференцияда Президент Шавкат Мирзиёев томонидан жуда муҳим ташаббуслар илгари сурилди. Шунингдек, ялпи мажлис ва шуьба ййилишларида Марказий ва Жанубий Осиё мамлакатлари ўртасида ўзаро ва кўп томонлама алоқаларни янада мустаҳкамлашга қаратилган жуда аҳамиятли тақлифлар билдирилди.

Ушбу нуфузли халқаро тадбир ўз вақтида бўлиб ўтмоқда ва унда ўта муҳим ва энг долзарб глобал масалалар юзасидан ечимлар изланди. Конференция ишчан муҳитда ўтаётганнинг сабаби ҳам аслида шунда.

Биз мазкур конференцияда кўриб чиқилган масалаларни, тақлифларни катта қизиқиш билан ўрганиш ва амалий ташаббусларни ҳаётга тезроқ жорий қилишнинг оптимал йўлларини ишлаб чиқишни режалаштирдик.

Исматулла Эргашев, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Афғонистон бўйича махсус вакили:



— Минтақавий ҳамкорлик ва ўзаро боғлиқлик — Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг ташқи сиёсий фаолият концепциясининг асосий йўналишларидан бири ҳисобланади. Ўзбекистон ва Афғонистон раҳбарлари таъкидлаганидек, мазкур конференция бутун минтақа учун муҳим ва долзарб аҳамиятга эга.

Афғонистон учун тақлиф қилинаётган стратегия — тинчлик жараёнини давом эттириш ва мамлакатда миллий ярашувга эришиш учун зарур шарт-шароитларни яратиш демакдир. Қолаверса, минтақавий ўзаро боғлиқлик ва савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантиришга ҳам катта эътибор қаратилмоқда.

Ҳайламанки, Афғонистон Марказий ва Жанубий Осиёни боғловчи ўзига хос кўприк вазифасини бажаради.

Кувончбек Таабалдиев, эксперт (Қирғизистон):



— Конференция Марказий ва Жанубий Осиё минтақасининг ривожланиши учун муҳим аҳамиятга эга воқеа бўлди. Ушбу йирик анжуман 10 дан ортиқ давлатларни бирлаштиради ва у киши асосий минтақа — Марказий ва Жанубий Осиё минтақасининг ривожланиши учун муҳим аҳамиятга эга. Боиси ҳалигача икки минтақа алоҳида ривожланиб келмоқда эди.

Пандемия даврида глобаллашув бизни янада ривожланишга туртки берди. Икки минтақада 2 миллиард аҳоли яшайди. Ўзбекистон ўз ташқи сиёсатида қўшни давлатлар билан муносабатларни ривожлантиришга устувор аҳамият қаратмоқда, бу йўлда дадил қадамлар ташламоқда. Бугунги халқаро конференция ҳам бунинг яна бир исботидир.

ЎЗА мухбирлари
Гулрўз АБДУЛЛАЕВА,
Юлдуз ЎРМОНОВА,
Бехруз ХУДОЙБЕРДИЕВ
ёзиб олди.

ПОКИСТОН БОШ ВАЗИРИ: САМАРҚАНД ВА БУХОРОНИ КЎРИШ ОРЗУМ ЭДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг тақлифига биноан юртимизга расмий ташири билан келган Покистон Ислом Республикаси Бош вазири Имрон Хон 16 июль кун Самарқанд ва Бухорода бўлди.



Олий мартабали меҳмонга Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ҳамроҳлик қилди.

Покистон Бош вазири Самарқанд билан танишувни Имом Бухорий мажмуасини зиёрат қилишдан бошлади.

Қуръон тиловат қилиниб, буюк алома ёд этилди. Ислон оламида муҳаддислар султони, деб эъзозланадиган Имом Бухорий меросини ўрганиш ва кенг тарғиб этиш, бу эът номин билан боғлиқ масканни обод этиш борасида олиб борилаётган ишларга юксак баҳо берилди.

Имрон Хон Амир Темури мақбраси, Регистон мажмуаси, Мирзо Улугбек музейи ва расадхонасини бориб кўрди.

Олий мартабали меҳмонга мазкур обидаларнинг бунёд этилиш тарихи, буюк жаҳонгир Амир Темури ва темирйўлларнинг давлатчилик аънавалари, илм-фан ва маданият хомийси сифатида амалга оширган ишлари ҳақида маълумот берилди.

Регистон майдонидagi Тиллақори мадрасасида намойиш этилган миллий ҳунармандчилик маҳсулотлари, бу ишчан давом эттириб келаётган усташуармандларнинг иши Имрон Хонда катта таассурот қолдирди.

Покистон Бош вазири ёшлигидан Самарқанд ва Бухорони кўришни орзу қилгани, Амир Темурийнинг бунёдкорлик ишларини катта қизиқиш билан ўргангани алоҳида қайд этди.

— Самарқанд ҳақида, Амир Темури ва темирйўллар давлати, уларнинг бунёдкорлик ишлари ҳақида китобларда ўқиганим учун бир оз тасаввурга эга эдим. Бугун келиб кўрдимки, Самарқанд мен ўйлаганимдан ҳам тарихий, гўзал ва муқаддас шаҳар экан. Унинг ҳар бир гўшаида тарихнинг, буюк аждодларнинг эъл қазовати, маданиятнинг изи бор. Ўзбекистонга таширифим ана шундай унутилмас таассуротларга бой бўлаётганидан хурсандман. Биз Покистон ва Ўзбекистон ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлашга интиляимиз ва бу

бошланиши. Келгусида алоқаларимиз кенг кўламда, изчил давом этишига ишонаман, — деди Имрон Хон.

Маълумки, Покистонда Ўзбекистонни, унинг жаҳон тамаддунига катта ҳисса қўшган буюк мутафаккирлари, хусусан, Нақшбандия тариқати асосчиси Баҳоуддин Нақшбандни яхши билишди. Шу боис ҳар бир покистонлик Бухоронинг муқаддас жойларини кўришни орзу қилади.

Покистон Бош вазири Баҳоуддин Нақшбанд мақбарасини зиёрат қилди.

Меҳмонлар мажмуада олиб боришган бунёдкорлик ишларига юқори баҳо берди.

Имрон Хон Бухоро шаҳридаги Пойи Калон мажмуасида бўлди. Калон минораси ва масжиди XII ва XVI асрлар оралиғида бунёд этилган. Бу обидлар Мир Араб мадрасаси билан уйғунлашиб, г

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҲУЗУРИДАГИ ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ИСЛОМ ЦИВИЛИЗАЦИЯСИ
МАРКАЗИ ФАОЛИЯТИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШГА ДОИР ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

1 зиёрат туризмнинг илмий асослари бўйича етарли назарий билим ва амалий кўникмаларга эга гид-таржимонларни тайёрлаш ҳамда уларнинг малакасини тизимли ошириб боришни таъминлаш;

илм-фаннинг жадал тараққиётини кўрсатиб берувчи сермазмун экспонатлар фонди, кўлёзма ва замонавий нашрлардан иборат бой кутубхоналар тизимини шакллантириш ҳамда уларнинг жаҳон музейлари ва кутубхоналари тармоғига улашишни таъминлаш;

Ўзбекистон халқининг ислом цивилизациясига кўшган ҳиссаси бўйича фундаментал tadқиқотлар дастурлари ва илмий лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва уларнинг амалга оширилишини қўллаб-қувватлаш;

ислом цивилизациясини tadқиққ этиш соҳасининг долзарб илмий-назарий ва услубий масалаларига бағишланган конференциялар, симпозиумлар, кўргазмалар ва илмий маърузалар, семинар-тренинглари, танловлар ва бошқа маданий-маърифий tadбirlарни доимий ташкил этиб бориш;

ислом цивилизацияси йўналишида амалга оширилган янги tadқиқотлар натижаларидан илмий жамоатчиликни хабардор қилиб бориш, республика музейлари ва кутубхоналарида ишлаётган ходимларнинг касбий салоҳиятини ошириш бўйича илмий-амалий ва услубий тренинглари йўлга қўйиш;

ислом тарихи ва маданияти йўналишига оид билимларни ошириш, қадимий кўлёзма ва тошбосма асарларни таъмирлаш, қоғоз, китобат, муқовасозлик, хаттотлик санъатини тиклаш, ислом манбаларини ўрганиш бўйича ўқув курсларини ташкил этиш;

“Учинчи Ренессанс — Янги Ўзбекистон” гоясининг мазмун-моҳиятини, жумладан, унинг илм-фан ривож, динлараро ва миллатлараро бағрикенгликни таъминлашдаги роли ва аҳамиятини жамоатчилик орасида кенг тарғиб қилиш.

3. Жаҳон илм-фани тараққиёти ва цивилизациясига ҳисса кўшган аждодлар илмий меросини tadқиққ этиш ҳамда янги юксалиш давридаги ютуқларни тарғиб қилиш бўйича “Йўл харитаси” (кейинги ўринларда — “Йўл харитаси”) 1-иловага мувофиқ tasдиқлансин.

“Йўл харитаси”да назарда тутилган чора-тадбирларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлашда тегишли ва-зирлик ва идораларнинг биринчи раҳбарлари шахсан масъул этиб белгилансин.

4. Марказ ҳузурида юридик шахс мақомига эга бўлмаган Ўзбекистондаги Ислom цивилизацияси марказини ри-

вожлантириш жамғармаси (кейинги ўринларда — Жамғарма) ташкил этилсин.

Белгилансинки, Марказ директори Жамғарма маблагларининг тасарруф этувчиси ҳисобланади.

5. Қўйидагилар:

а) Жамғарма маблагларини шакллантиришнинг асосий манбалари этиб белгилансин:

Давлат бюджети маблаглари; хорижий (халқаро) молия институтлари ва бошқа хорижий донорларнинг техник кўмак маблаглари ва грантлари; хомийлик хайриялари; қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар;

б) Жамғарма маблаглари сарфланадиган йўналишлар этиб белгилансин:

илмий адабиётларни яратиш, чоп этиш, ноёб асарлар ва ҳужжатларни харид қилиш орқали Марказ китоб фондиди кенгайтириш;

илмий tadқиқотларга кўмаклашиш, tadқиқот ишларини қўллаб-қувватлаш учун грантлар ажратиш;

ижтимоий, илмий, маънавий ва маърифий tadбirlарни ташкил этиш;

кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш дастурларини амалга ошириш, шунингдек, конференциялар, семинарлар ва бошқа tadбirlарни, шу жумладан, хорижий мамлакатларда ташкил қилиш;

Марказ фаолияти учун зарур бўлган мултимедиа ва тармок қурилмалари ҳамда дастурий таъминотларни харид қилиш, Марказ фаолиятига замонавий ахборот технологияларини жорий этиш.

Марказ икки ой муддатда Жамғарма маблагларини шакллантириш ва улاردан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низоом лойиҳасини ишлаб чиқсин ва tasдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

6. Марказ ҳузурида Самарқанд қoғoзи, муқовасозлик ва хаттотчилигин қадимий анъаналарини тиклаш бўйича устахона-лаборатория (кейинги ўринларда — Лаборатория) ташкил этилсин ва Лаборатория томонидан ўтказиладиган tadқиқот синовларининг асосий йўналишлари 2-иловага мувофиқ tasдиқлансин.

Белгилаб қўйилсинки:

Лабораторияни ташкил этиш, айрим асбоб-ускуналар, ҳисоблаш техника воситалари, бутловчи материаллар билан таъминлаш ва уларни ўрнатиш билан боғлиқ харажатлар Жамғарма маблаглари, халқаро молия институтлари ва ташкилотларининг техник кўмак маблаглари (грантлари) ҳамда қонун-

чилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан молиялаштирилади;

Лаборатория фаолиятига соҳада етарли даражадаги билим ва иш тажрибасига эга бўлган малакали мутахассислар Марказ томонидан фуқаролик-ҳуқуқий шартномалар асосида жалб қилинади ва уларнинг гонорари (иш ҳақи) Жамғарма ҳисобидан тўланади;

Лаборатория томонидан ўтказиладиган tadқиқот синовлари натижаларини, жумладан, Самарқанд қoғoзи, муқовасозлик ва хаттотлик санъати ижодий маҳсулини реализация қилишдан тушган маблаглар Марказ ва Лаборатория фаолиятини ривожлантиришга сарфланади.

7. Марказ музейи экспозициялари ва кутубхонаси фондиди шакллантириш, аҳолидан харид қилинадиган кўлёзма, тошбосма, босма асарлар, тарихий ҳужжатлар, экспонатларни таҳлил қилиш, саралаш, уларнинг ноёблигини аниқлаш ва баҳолаш бўйича экспертлик комиссия (кейинги ўринларда — Комиссия) тузилсин ҳамда унинг таркиби 3-иловага мувофиқ tasдиқлансин.

Марказ Фанлар академияси, Туризм ва спорт вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда Комиссия фаолиятини ташкил этиш тўғрисидаги низоом лойиҳасини ишлаб чиқсин ва tasдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

8. Марказ ва Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти тарихий ёзма манбаларни марказлашган ҳолда сақлаш, tadқиққ этиш, уларнинг ҳолатини доимий мониторинг қилиш бўйича масъул давлат муассасалари этиб белгилансин.

Марказ бир ой муддатда давлат тасарруфидаги барча музей, кутубхона, архив фондлари ва бошқа давлат муассасаларидаги қадимий кўлёзма ва тошбосма манбалар рўйхатини шакллантирсин.

9. Вазирлар Маҳкамаси уч ой муддатда:

Марказ томонидан тақдим этилган рўйхат асосида тарихий ёзма манбаларнинг босқичма-босқич Марказ тасарруфига ўтказилиши бўйича чораларни кўрсин;

ислом цивилизацияси ва зиёрат туризмнинг илмий асослари бўйича етарли назарий билим ва амалий кўникмаларга эга гид-таржимонларни тайёрлаш ҳамда уларнинг малакасини доимий ошириб бориш тизимини йўлга қўйиш мақсадида Ислom цивилизацияси ва зиёрат туризми йўналишида гид-экскурсоводларни етиштириш бўйича Марказ ҳузурида малака ошириш ва қайта тайёрлаш курсларини ташкил этиш;

Марказни юқори малакали, чуқур билим ва амалий иш тажрибасига эга кадрлар билан тўлдириш чораларини кўрсин.

Акc садо

ДУНЁДА ЎХШАШИ
ЙЎҚ МУҲИМ
АНЖУМАН

Тарихдан аёнки, Марказий ва Жанубий Осиё халқлари ўртасида кўп асрлар давомида яқин ва дўстона, яхши қўшничилик алоқалари ривожланиб келган. Буни нафақат савдо йўналишида, балки барча жаҳонда, шу жумладан, давлатчилик бобида ҳам кузатиш мумкин. Бу, айниқса, бобурийлар даврида кўзга яққол ташланади. Афсуски, ушбу алоқаларимиз кейинги асрларда анча сустлашиб қолган эди.



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуси билан ўтказилган “Марказий ва Жанубий Осиё: минтақавий боғлиқлик. Таҳдидлар ва имкониятлар” мавзусидаги халқаро конференция узилган ана шу ришталарни қайта боғлашга қаратилгани билан алоҳида аҳамиятга эга. Буни нафақат биз, балки хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлар вакиллари ҳамда экспертлар ҳам эътироф этмоқда.

Конференция мақсадидан келиб чиқиб айтидиган бўлсак, Марказий Осиё янги бир йўналиш, яъни Жанубга қараб интилмоқда. Бу геосиёсий нуктаи назардан, янги бир дунёқарашни ўзида мужассам этган, десак, аини ҳақиқат.

Мухими, бу, бошқа ривожланган давлатлар манфаатларига зид эмас, аксинча, улар учун ҳам фойдалидир, яъни барча манфаатдор давлатлар иқтисодий салоҳиятини оширишга хизмат қилади.

Янада аниқроқ айтидиган бўлсак, бу минтақда савдо алоқалари янги босқичга кўтарилди. Табиийки, савдо кенг ривожланган жойларда иқтисодий юксалиш бўлади, тинчлик ва оқсоқилчилик ҳужм суради.

Халқаро конкуренция ана шу жиҳатлари билан ҳам дунёда ўхшаши йўқ муҳим анжуман сифатида баҳоланмоқда.

Соҳиб САФОЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Раисининг
биринчи ўринбосари.

ЯНГИ ДАВРГА ҚЎЙИЛГАН АНИҚ ВА ДАДИЛ ҚАДАМ

Марказий ва Жанубий Осиё азалдан иқтисодий, ижтимоий ва маданий цивилизация жиҳатидан бир-бирига чамбарчас боғлиқ минтақалар ҳисобланади. Шу сабабли, сўнгги тўрт йилда биргаликдаги интилиш ва амалий ишлар натижасида икки минтақа ўртасидаги алоқалар янада мустаҳкамланиб бормоқда.

Муносабат

Эътиборга молик жиҳати, Марказий ва Жанубий Осиё мамлакатлари иқтисодий ўсиш ва барқарор ривожланиш йўлида илдам қадам ташламоқда. Тинчлик, яхши қўшничилик ва ишончнинг мустаҳкамланиши, ҳамкорликнинг ривожланиши эса икки минтақа давлатларининг манфаатига тўғри келади.

Пойтахтимизда икки кун давомида Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан ўтказилаётган “Марказий ва Жанубий Осиё: минтақавий боғлиқлик. Таҳдидлар ва имкониятлар” мавзусидаги халқаро анжуманининг ўтказилиши икки минтақа ўртасидаги ўзаро алоқаларни янги босқичга кўтариш учун қулай имконият бўлди.

Давлат раҳбарлари, нуфузли халқаро ва минтақавий ташкилотлар, глобал молия институтлари ва компаниялар, етакчи илмий tadқиқот ва таҳлил марказлари вакиллари тўпланган мазкур tadбир доирасида Марказий ва Жанубий Осиё мамлакатлари ўртасида икки минтақа халқлари манфаатлари йўлида тарихан яқин ва дўстона алоқалар, ишончли ҳамда яхши қўшничилик муносабатларини мустаҳкамлаш масалалари муҳокама қилинди.

Форум иштирокчилари минтақавий ўзаро боғлиқликни янада чуқурлаштириш доирасида савдо-иқтисодий, транспорт-коммуникация ва маданий-гуманитар ҳамкорликни ривожлантиришга қаратил-



ган ўтқир ва долзарб ташаббусларни илгари сурди. Икки минтақа барқарорлиги ва хавфсизлигини таъминлаш бўйича биргаликда тақдирлар ишлаб чиқиш масалалари эътибор марказида бўлди.

ЎзЛиДеП ўз амалий саъй-харажатларида Ўзбекистоннинг ташқи сиёсий йўналишини қўллаб-қувватлаган ҳолда ўта муҳим бўлган вазифа — Марказий Осиёни барқарорлик, изчил ривожланиш ва яхши қўшничилик худудига айлантириш вазифасини амалга оширишга кўмаклашиш учун партиявий, парламент ва халқона дипломатиянинг барча имкониятини ишга солишга интилмоқда.

Биз электротизмизнинг туб манфаатларидан келиб чиққан ҳолда, яқин ва узоқ хориз мамлакатлари билан тинчликпарвар, очик ва оқилона сиёсат доирасида самарали ҳамкорликни да-

вом эттиришни муҳим, деб ҳисоблаймиз.

Шу кунларда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан Тошкент шаҳрида юқори даражадаги халқаро анжуманининг ўтказилиши ана шундай сиёсатнинг намунаси бўлди.

Афғонистон Ислom Республикаси Президенти, Покистон Ислom Республикаси Бош вазир, Марказий ва Жанубий Осиё давлатлари ташқи ишлар вазирлари, 44 мамлакат, 30 халқаро ташкилот делегациялари, нуфузли илмий-tadқиқот ва таҳлил марказлари вакиллари тўпланган мазкур tadбир доирасида Марказий ва Жанубий Осиё мамлакатлари ўртасида икки минтақа халқлари манфаатлари йўлида тарихан яқин ва дўстона алоқалар, ишончли ва яхши қўшничилик муносабатларини мустаҳкамлаш масалалари муҳокама қилинди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Марказий ва Жанубий Осиё минтақаларининг тарихан яқинлиги, уни ўзаро ишонч ва манфаатлари эътиборга олиш асосида мустаҳкамлаш зарурлигини tasдиқлагани ушбу анжуманининг асосий мавзуси бўлди. Ишонамизки, мазкур ташаббуснинг кенг қўллаш характери анжуман аянқларни бўйича БМТнинг Бош Ассамблеяси муҳокама-сига қўйилгани кўзда тутилаётган резолюциянинг махсус лойиҳаси тайёрланишида акс этади.

Чунончи, глобал геосиёсий трансформацияларнинг янги имкониятлари юзга келган шароитларда худудда 2 миллиардга яқин аҳоли истикомат қиладиган Марказий ва Жанубий Осиёнинг тарихий алоқалари тикланиши ва интилишларини бириштиришни таъминлаш муҳим вазифа бўлиб, бу ўта қучли синергетик самара бериши, шубҳасиз.

Ушбу йўналишда савдо-иқтисодий ҳамкорлик, икки минтақа мамлакатларининг кооперация ва инвестициявий ўзаро харакатларини кенгайтиришнинг устувор аҳамиятини кўрсатиб ўтаимиз. Бу транспорт-логистика инфратузилмасини яратишга ҳам тааллуқли бўлиб, у Марказий ва Жанубий Осиё минтақаларини хавфсиз равишда бир-бирига боғлайди.

Афғонистонда тўлақонли ва мустаҳкам тинчлик ўрнатиш, унинг тинчликпарвар иқтисодиётини тиклаш, тинч тараққиётнинг афзалликлари намойиш қилиш асосида афғон инқирозини сиёсий-дипломатик ҳал қилишнинг муҳимлигини фаол илгари суриш масаласини яна бир муҳим вазифа сифатида ажратиб кўрсатамиз. Шу ўринда Шавкат Мирзиёевнинг Афғонистонни барқарорлаштириш бўйича айтган фикрларини келтириш мақсадга мувофиқ; “беқарорлик ва парокандаликдан тинчлик ва бунёдкорлик сари”.

Фикримизча, Афғонистонда тинчлик ўрнатишнинг мазкур тамойиллини амалга оширишга бу мамлакатни Марказий Осиё давлатларининг ташқи савдо муомаласига, шу жумладан, “Термиз — Қарғо” халқаро логистика маркази мисоли асосида чегараолди савдосини янада фаоллаштиришга тўлиқ жалб қилиш бўйича эволюцион жараён кўмаклашиши мумкин.

Яна бир муҳим йўналиш — бу афғон худудидagi транзит салоҳиятдан фойдаланишни кенгайтириш ҳисобида иқтисодий барқарорлик ва хавфсизликни тиклаш доирасида транспорт соҳасидаги ўзаро боғлиқликни мустаҳкамлаш ҳисобланади. Мазкур ҳолат Афғонистонда янги ишчи ўринлари ва аҳоли учун янги даромад манбаларини яратиш, мамлакатдаги тинч ҳаёт сифатини оширади.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2021 йил 16 июль

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги жамоаси агентлигининг Давлат бoшқаруви органлари ахборот хизматлари фаолиятини ташкил қилиш ва мувофиқлаштириш бўлими бошлиғи

Жавохир ҚУДРАТОВнинг

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

“Халқ сўзи” ва “Народное слово” газеталари таҳририяти ижодий жамоаси “Халқ сўзи” газетасининг собик ходими

Тоҳиржон
ҲАМРОКУЛОВнинг

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Республика Маънавият ва маърифат маркази жамоаси Тарҳима бўлими бошлиғи

Омонбек
БЎТАЁРОВнинг

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Халқ сўзи

Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўтқир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 748. 30 930 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қoғoз бичими А—2. Баҳоcи келишилган нарҳда.

Газетани ҳақидаги маълумотларни қўлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълолар 71-232-11-15.



Таҳририятга келган қўёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:

100000,

Тошкент шаҳри,

Матбoтчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — С. Махсумов.

Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббoев.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА яқини — 01.55 Топширилди — 04.25 1 2 3 4 5 6